

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ОЛИЙ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

РЕФЕРАТ

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ НУКУС ШАҲРИ ТАРИХИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТИНИ ФАЛСАФИЙ
ЎРГАНИШ**

Тайёрлаган:

т.ф.н. З. Б. Есназарова

ТОШКЕНТ-2010 йил

РЕЖА

Кириш	3
Нукус шаҳрининг Қорақалпоғистоннинг сиёсий-маъмурий маркази сифатида шаклланиши.....	7
Нукус шаҳри – Қорақалпоғистон ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида.....	10
Нукус шаҳри агломерацияси муаммолари.....	13
Хулоса	17
Адабиётлар	18

КИРИШ

Қорақалпоғистонда вужудга келган урбанизация жараёнининг ҳозирги ҳолати умумжаҳон хўжалик тизимида ва ер шари геополитик харитасида юз бераётган залворли ўзгаришлар билан бир вақтда содир бўлмоқда. Тўхтовсиз ва сурункали давом қилиб келаётган, юзага чиқиши муқаррар бўлган урбанизация жараёни ҳар хил шиддатларда ер юзи мамлакатларининг барчасини қамраб олмоқда. Аммо таъкидлаш зарурки, урбанизация жараёни суръатлари ва ҳажми, унинг амалга ошиш механизми, оқибатлари ва уни тартибга солиш имкониятлари турли мамлакатларда ўзининг ҳудудий ва миллий хусусиятларига, кўринишларига эга бўлади.

Маълумки, инсоният тараққиёти тарихида шаҳарлар роли ошишининг умумжаҳон тарихий жараёни шуни кўрсатадики, шаҳарларнинг пайдо бўлиши, энг аввало, ишлаб чиқариш кучлари таркибининг ўзгариши ва жойлашишида, хусусан, аҳолининг жойлашишида, унинг ижтимоий-қасбий, демографик таркибида, турмуш тарзи ва маданияти ва б. соҳаларда кўзга ташланиб, булар бевосита инсоният тамаддунининг мисли кўрилмаган асосларини таркиб топтиришга замин ҳозирлайди. Шаҳар деганда кенг маънода қишлоқ аҳолисидан ўзининг хўжалик юритиш шакли ва аграр сектордан беғаразлиги билан фарқ қиладиган, аҳолининг маълум ҳудудда бир маконда тўпланиши тушинилади. Зотан, шаҳарлар ҳам қишлоқ тузилмаларида аҳолиси зич жойлашган, қазилма бойликлар захираси ва саноат ташкилотлари кўп бўлган жойларда, савдо йўллари чорраҳаларида пайдо бўлган.

Ижтимоий ҳодиса сифатида урбанизация жараёни ва шаҳарлар пайдо бўлишининг иқтисодий-сиёсий омилларини ўрганишга ҳозирги даврда кўпгина фанлар ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Айниқса, бу муаммонинг ўрганилишида тарихчи ва демографларнинг хизматлари ниҳоятда каттадир. Шаҳарлар тарихчилар учун – ўтмишнинг жонли гувоҳларидирлар. Тарихан шартланганки, шаҳарлар маълум бир чекланган ҳудудда аҳолининг ниҳоятда кўп ва зич тўпланиши ҳолати билан характерланади. У қишлоқ хўжалиги аҳолисидан фарқ қилган ҳолда инсонларнинг турли-туман фаолиятларининг кўшилиши, бирикиши, халқ хўжалиги ҳар хил тармоқларининг мавжуд бўлиши хусусиятларига эга бўлади. Шаҳарларнинг ташкил топиши маълум бир даврни ўз ичига қамраб олиб, ўзининг характерли хусусиятларига эгаллиги билан ажралиб туради. Урбанизация муаммоси тарих фанида асосий ва ҳал қилувчи масалалардан бири бўлиб, у кўпгина ҳодисаларни ўрганишни тақозо этади. Биз юқоридагилардан келиб чиқиб, Қорақалпоғистонда, хусусан, унинг пойтахтида, истиқлол йилларида урбанизация жараёнлари аспектини ёритишни мақсад қилиб олдик.

Ўзбекистон шаҳарлари тизимида Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳрининг алоҳида мақоми ва роли мавжуд бўлиб, бу ҳол 2002 йил 8 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Нукус шаҳрининг 70 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш ҳақида»ги қарорининг қабул қилинишига асос бўлди. Бу маросимда

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг тўғри таъкидлаганидек «кўп миллатли Нукус шаҳри бугунги кунда бетакрор қиёфа касб этди, биз уни йирик саноат, фан ва маданият маркази, дўстлик ва биродарлик шаҳри деб ҳисоблаймиз. Албатта, уни бундай деб таърифлаш учун у ўзининг мустақкам ҳаётий асосига эга».

Нукус шаҳрининг барпо қилиниши ХХ аср давомида жадал суръатларда олиб борилди ва у мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг энг фаол тараққий қилаётган шаҳарларидан бирига айланди, барча ўринларда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, фан ва маданиятнинг янги ўчоқлари пайдо бўлди. Бу Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, республикада содир бўлган ижтимоий жараёнларнинг ривож ва натижаси сифатида ўзининг чуқур илдизларига эга. Нукус шаҳри аҳолисининг мамлакатимизни ривожлантиришдаги муҳим ҳиссаси, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги эришган муваффақиятлари, миллатлараро тотувликни мустақкамлашда қўлга киритган ютуқлари учун ва Нукус шаҳрининг 70 йиллиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти 2003 йил 11 сентябрда «Дўстлик» ордени билан мукофотланди. Қорақалпоғистон Республикаси пойтахтининг шундай юксак даражада тақдирланиши ва Нукус шаҳрининг Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти сифатида шаклланиши унинг мустақиллик йилларидаги тараққиёти тарихини ўрганиш тарихчилар олдида турган долзарб масалалардан бири эканлигини асослайди.

Тарихчилар ва бошқа мутахассисларнинг тарихшуносликка тегишли илмий меросларига ва улар томонидан шаҳар тарихига оид материалларни тўплаб, тартибга солиб, ҳужжатларни муҳофаза қилиб келгуси авлодларга етказишдек ҳайрли ишни амалга оширганлиги муносабати билан уларга чуқур эҳтиром билдирган ҳолда айтмоқчимизки, Нукус шаҳрининг мустақиллик йилларидаги тарихи ҳозиргача тўла ёритилган эмас. Қилинган ишлар, фактик материаллар давр нуқтаи назаридан чекланганлиги муносабати билан улар Нукус шаҳрининг мустақиллик йилларидаги тарихини тўлақонли қамраб олиши мумкин эмас. Ажабланарли жойи шундаки, Нукус шаҳрининг мустақиллик йилларидаги тарихини чуқур, ҳартомонлама, ҳаққоний ёритишга нима тўсқинлик қилиши мумкин.

Ҳаммага маълумки, типологик тадқиқотларда фалсафий методологик тамойилларни масалан: ривожланиш тамойили, обектив тамойили, ҳар томонлик тамойили, тарихийлик тамойили, таҳлил ва синтез бирлиги тамойили, тизимийлик тамойили, шунингдек рационал методлар ва иррационал методлар, тушуниш методи, интуиция методи, синергетика методларини қўллашга асосланган тарихий тадқиқотларга муайян бир талаблар қўйилади: миқдор ўзгаришларини сифат ўзгаришлари асосида таҳлил қилиш, ҳодисаларнинг типик белгилари тизимини ҳисобга олиш, барча омиллар мажмуидан фойдаланиш, манбалар мажмуининг репрезентативлигини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш ва ҳ. тамойиллар Нукус шаҳри тарихини ўрганувчи тадқиқотда фалсафий изоҳлар билан қўлланилиши мумкин. Маълумки, Нукус кўп асрлик тарихига эга бўлишига қарамасдан, ҳозирги Нукус шаҳри бошқарув ҳокимияти органларининг

қарори (кўчириш ҳақидаги) асосида Қорақалпоғистоннинг сиёсий-маъмурий маркази сифатида юзага келди. Маъмурий бошқарув ҳокимиятининг кўчиши муносабати билан мазкур ҳудудга аҳоли тўпланиши жараёни бошланди ва шу тариқа Нукус шаҳри майдонга келди. Бу ҳодиса, яъни шаҳар вужудга келишининг мазкур омили ватанимиз тарих фанида ҳали тадқиқ қилинган эмас.

Нукус кўпмиллатли шаҳар. Унда туб жой аҳоли билан бирга бошқа халқлар вакиллари ҳам истиқомат қилмоқда. Улар биргаликда меҳнат қилмоқдалар, моддий ва маънавий бойликлар яратмоқдалар, ижтимоий-сиёсий тадбирларда қатнашмоқдалар ва бу билан шаҳарнинг ўзига хос ва бетакрор ижтимоий-сиёсий ҳаётига, ижтимоий-иқтисодий ҳолатига, маънавий даражасига ўз таъсирини ўтказиб келмоқдалар. Шу сабабли ҳам пойтахтимизнинг мустақиллик йилларида кам ўрганилган ижтимоий аспектларини тадқиқ қилиш, ривожланиш хусусиятларини очиқ бериш, миллатлараро муносабатлар жараёнини таҳлил қилиш катта амалий аҳамият касб этади.

Таъкидлаш зарурки, пойтахтимизнинг ютуқларини бўрттириб кўрсатувчи, истиқболлари ҳақида уйдирмаларга асосланган маълумотлардан холи бўлган, балки унинг ютуқлари, камчиликлари, хатоларини, ҳал қилинмаган масалаларини, мунозарали муаммоларини ёритувчи фундаментал тарихий асарларга бўлган эҳтиёж бугунги кунда анча сезилмоқда. Бу аспектлар Нукус шаҳри тарихшунослигида кам ёритилган, борлари ҳам умумий тарздаги асарлардир.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида Нукус шаҳри тарихига оид ишларнинг мавжуд эмаслигини, ҳозирги давр тарихшунослигида унинг баъзи бир жиҳатларигагина эътибор қилинганлигини, шаҳар инфратузилмасида бундай тадқиқот унинг амалий масалаларини ҳал қилишга ёрдамлашиши мумкинлигини ҳисобга олиб, мазкур мавзунини тадқиқот объекти қилиб олдик.

Муаммонинг назарий асоси анча кенг доирани ташкил қилади. Совет даври Ўзбекистон шаҳарлари қурилиши ва урбанизация жараёнлари тарихи М.Рахимов, Т.Қаюмова, К.Раҳманов, О.Эшқувватов, М.Алиқулов, Э.Ғайибназаров, Х.Нурмухаммедов, С.Турсуновлар асарларида ёритилган. Зеро, бу илмий ишлар ҳозирги давр нуқтаи назаридан замон талабларига жавоб беролмаса ҳам, улар мазкур мавзуга дахлдорлиги билан қадрлидир.

Мустақиллик давридаги шаҳар қурилиши ва урбанизация жараёнлари М.Жўраев, Р.Қаршиев, Ш.Раҳматуллаев, Ж.Турсунов каби тарихчи олимлар диққат марказида бўлди. Бу ишларнинг характерли хусусияти шундаки, уларда мазкур муаммолар ривожланаётган шаҳарлар мисолида янги назарий ва методологик асосларда ёритилдики, хусусан, бу Нукус шаҳрига ҳам тааллуқлидир. «Ўзбекистон шаҳарлари тарихи» сериясида Тошкент шаҳри тарихига бағишланган проф. Д.Алимова ва М.Филановичнинг ишлари катта методологик аҳамиятга эга.

Умуман, илмий-назарий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, Нукус шаҳри тарихини республика миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар,

худуд халқ хўжалиги ривожланиши контекстида кенгрок доирада олиб қараш зарур.

Қорақалпоғистон Республикасининг «Архитектура ва шаҳар қурилиши ҳақида» (1992 й)ги қонуни катта аҳамиятга эга бўлиб, унда илк бор архитектура ва шаҳар қурилиши билан боғлиқ барча фаолият турлари тартибга солинди, эстетик талабларга, миллий хусусиятлар ва анъаналарга, маҳаллий табиий-иқлим шароитларига жавоб берадиган шаҳар ҳаёти муҳитини ташкил қилишнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва ижтимоий асослари аниқланди.

«Қорақалпоғистон Республикасининг 1993-2000 йилларга ва 2005 йилгача бўлган даврдаги иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги тараққиётининг асосий йўналишлари концепцияси» катта қизиқиш ўйғотади. Унда 51 та саноат объекти қурилиши кўзда тутилади ва улар орасида биринчи навбатда Нукус шаҳрида тўқимачилик мажмуи қурилиши режалаштирилади.

Шундай қилиб мустақиллик йилларидаги Нукус шаҳри тарихин биринчидан тарихий қарашдан, иккинчи томондан фалсафий нуқтаи назардан ўрганиш бизнинг фикримизча аҳамиятга эга.

Нукус шаҳрининг Қорақалпоғистоннинг сиёсий-маъмурий маркази сифатида шаклланиши

Ўтмишда Нукус сиёсий ва иқтисодий марказ сифатида ташкил топган, шунингдек, у ҳимоя воситаси ва стратегик аҳамиятга эга бўлган қалъа, «кузатиш ўрни» вазифасини ҳам бажарган. Унинг шаҳар сифатида шаклланиши ҳар хил омиллар таъсирида юз берган. Илгари унинг шаклланишида савдо-сотик, касб-ҳунар ишлаб-чиқариши асосий роль ўйнаган бўлса, кейинчалик унинг тараққиётига саноат, транспорт ривожини, маъмурий вазифалар бажариши катта таъсир ўтказди. 1932 йил апрелида собиқ СССР ВЦИК Президиуми ўз қарори билан уни Қорақалпоғистон АССРининг пойтахти қилиб тасдиқлади. Аҳоли яшайдиган Нукус шаҳри ўрни пойтахт мақомини олди ва шундай номда янги шаҳар пайдо бўлди.

Урбанизация соҳасида ҳозирги ҳудудий тараққиёт сиёсати тўрт босқичли мезонга асосланади: пойтахт, ҳудудий, вилоят, вилоят ичра кўринишидаги ривожланиш турлари. Маълумки, барча шаҳар ва поселкалар бир вақтнинг ўзида бир хил даражада ривожланиши мумкин эмас, шу сабабли ҳам ҳар бир ҳудудий зонада муайян ривожланиш марказларини танлаб олиш зарурати туғилади.

Собиқ совет маъмурий бошқарув тизимида уч даражали – республика, туман ва қишлоқ миқёсидаги ривожлантириш йўналишлари мавжуд эди. У партиявий-совет давлати ҳокимияти мустабид – бошқарув органлари иродаси билан белгиланарди. Партия органларининг советлар устидан ҳуқимронлиги бошқарув тизимида советлар ролининг пасайишига олиб келди. Барча масалалар партия органлари иродаси билан ҳал қилинарди. Шуниси характерлики, Қорақалпоғистонда бундай бошқарув усули 20-йиллар охиридан кучга кира бошлади, бунда «партия органлари маъмурий-тартибот ишларини – ижтимоий, қишлоқ хўжалик, маданий соҳалардаги бошқарувни ўз зиммасига олса, советлар эса арзимас маъмурий бошқарув – коммунал, ижтимоий-маданий ишлар билан чекланарди». Масалан, 1990-1991 йилларда Обком партия қарори билан 3 та Нукус шаҳар ижроия комитети раиси алмаштирилди (Б.Бектурдиев, А.Асанов, Е.Даулетмуратов).

Нукус кўп сиёсий воқеалар марказига айланди. Масалан, 1990 йил 14 декабрда Нукус шаҳрида бўлиб ўтган ККАССР Олий Совети IX сессиясида Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси мустақиллиги тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

1991 йил Ўзбекистон Республикаси миллий мустақиллигининг эълон қилиниши ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда туб ислоҳатлар қилиш заруратини юзага келтирди.

Юзага келган мавжуд вазият қишлоқ хўжалиги механизмини бошқариш ва ривожлантиришда бутунлай янгича ёндошишни талаб қилди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки даврларидаёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов айтган «Кучли ижроия ҳокимиятисиз энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ҳам хавф остида қолади», деган тамойил ҳуқимрон эди. Бу

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари Конституцияларида ҳам белгилаб кўйилган.

Маъмурий бошқарув тизимига татбиқ қилинган бу янгиликлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнига ва бошқариш сифатига таъсир қилиши кўзда тутилган эди. Масалан, 1990-йиллар арафасида Нукус Ўзбекистоннинг энг йирик шаҳарларидан бири эди. Ваҳоланки, 1990-йил шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати анча оғирлашди. Чунончи 1990-йилнинг январь-март ойларида иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги фоиз кўрсаткичлар 1989-йилдагига нисбатан паст эди. Шаҳардаги асосий ташкилотлар аҳволи ҳам қувонарли эмас эди. Масалан, юк ташишдан тушган таксопарк даромади 697,5 минг сўмни ташкил қилар эди, бу эса 1989 йилги даромаддан 17% паст эди. Қорақалпоғистон электр тармоқлари капитал қурилиши режалари – 87%га, ССО «Арал сув қурилиш» - 79% га, «Ресаграрқурилиш» бирлашмаси – 57% га, «Катта оғар ЖБИ»и – 32% га бажарилди, холос. Бу соҳадаги сезиларли силжишлар фақат 1994 йилга келиб кузатила бошланди. Мазкур йилга келиб шаҳарда 480 та ободонлаштирилган кўчалар, 7 та кичик туман, 3 та халқ поселка кенгаши мавжуд эди. Шаҳар аҳолиси унинг атрофларини қўшиб ҳисоблаганда 250 минг кишига етди. Шахсий тураржойларни қуриш бошланди: чунончи 1994 йилнинг 8 ойида 1025 та фуқаро ер участкаси учун ариза берди, шундан 979 таси умумий миқдори 71,5 га бўлган ерни олишга муваффақ бўлдилар. Нукус 310 км водопровод тармоқларига, 267,5 км энергетик ва алоқа кабелларига, 89 км иссиқлик трассасига, 517 км газопровод трассасига, 258 км асфальтланган кўчаларга эга бўлган шаҳар эди.

«Шаҳар ва туманлар ҳокимлари лавозимларини таъсис қилиш» ҳақидаги қарор қабул қилинган, 1992 йил 18 майда Нукус шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг XI сессияси чақирилди ва унда Ш.Уснатдинов Нукус шаҳри ҳокими қилиб сайланди. Шундай мураккаб даврда (1991-1994 йй) «Эски шаҳар ва Темир йўл вокзалини» бирлаштирувчи троллейбус маршрути ва троллейбус депоси; Нукус кабель заводи, ун комбинати, РК-1 буғ қозонининг биринчи навбати, 422 та ўқувчи ўрнига эга бўлган 9-сонли ўрта мактаб биноси, «Қизкеткен» поселкасида 260 та ўринли мактаб, 13-сонли аптека, кон қуйиш станцияси кабилар қуриб ишга туширилди, «Катекс» тўқимачилик мажмуи қурилиши давом қилдирилди.

1994 йил 17 октябрда халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб, унда Нукус шаҳри ижтимоий-иқтисодий вазиятига баҳо берилди ва бошқарув, хўжалик юритиш соҳасидаги ислохатларнинг бориши кўриб чиқилди. Мазкур даврда Нукус шаҳри ривожланишида баъзи ижобий ҳодисалар кузатилди. Масалан, 1994 йил 1 августигача Нукус шаҳрида 231 та объект давлат тасарруфидан чиқарилиб, бошқа мулк шаклларига ўтказилди, шулардан 33 таси акционерлик жамиятлари, 25 таси жамоа, 171 таси шахсий мулклар бўлди. 231 объектдан 120 ташкилот банкда ўз ҳисоб варақаларини очдилар, шулардан 47 таси патент олдилар. Белгиландики, баъзи ўзгаришларга қарамасдан, иқтисодиётда туб бурилишлар кўзга ташланмади.

Сессияда Ш.Уснатдинов бошқа ишга ўтганлиги сабабли шаҳар ҳокими вазифасидан озод қилинди. Шаҳар саноат-қурилиши жадал суръатлар билан ривожланаётган бир пайтда мутахассислар етишмаётганлиги сезилди ва қурувчи-инженер А.Аметов шаҳар ҳокими қилиб сайланди.

Ушбу вақтга келиб, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари шаклланишига асос солинди (макон кенгашлари). 1993 йил 20 сентябрдаги ЎзРнинг «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ҳақида» қарорига мувофиқ Нукус шаҳрида 3 та поселка, 21 та маҳалла (макан) кенгашлари ташкил этилди. Дастлаб бу органлар раислари қилиб, илгари фуқаролар маҳаллий комитетларида жамоатчилик асосида раис бўлиб ишлаган нафақахўрлар сайланди. 1995 йил май ойида ўтказилган аттестация натижаларига кўра ўз-ўзини бошқариш органлари раисларининг 34,3%и ўзлари ишлаб турган лавозимларига муносиб эмас, деб топилди. 1996 йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳисобот-сайлов мажлислари ўтказилди, унда бу уюшмалар ҳудудларининг аниқ чегараларини белгилаш тадбирлари кўрилди, натижада макон-кенгашлар миқдори 27 тага етказилди. 9 та ўз-ўзини бошқариш органлари раислари қайта, 21 та киши эса унга янгидан сайланди. Макон-кенгашлар зиммасига ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ижтимоий кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш вазифалари юклатилди.

Нукус шаҳри – Қорақалпоғистон ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида

«Уч-тўрт йил олдин –деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Нукус шаҳрининг 60 йиллиги тантаналарида, - Қорақалпоғистон Республикасида ўнлаб чет эл фирмалари ва қўшма корхоналар фаолият кўрсатишини тасаввур ҳам қилиш мумкин эмасди». Давлатимиз раҳбари саноат шаҳри сифатида Нукус шаҳрининг кўриб бўлмас даражада ўзгарганлигини алоҳида қайд қилди.

Нукус шаҳрининг саноат шаҳри сифатида шаклланишида 1993 йили ишга туширилган «Қорақалпоғистон тўқимачилик компания»си («Катекс») акционерлик жамияти мажмуининг қурилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Халқаро алоқалар кучая бошлади: 1997 йили Ҳокимият органлари қарори билан шаҳарда хусусийлаштириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Масалан, 1996 йили фақат Нукус шаҳрида 427 объект ва корхоналар хусусийлаштирилди, шундан 90 таси акционерлик, 83 таси давлат, 252 таси шахсий, 2 таси шериклик корхоналари эди. 1997 йили бундай объектлар сони 453 тага, 1998 йили эса 599 тага етди.

Аммо шаҳардаги муассаса ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий қувватлари анча паст эди. Фақат 1997 йилнинг ўзидаёқ уларнинг дебитор қарзлари 475 млн. сўмни, кредитор қарзлари эса 7 млрд.сўмни ташкил қилар эди.

Барча мураккабликлар шунда эдики, 1990-йиллар охирида республикада кучли қурғокчилик бўлиб, бу шаҳарда туб ўзгаришлар қилишга имкон бермади.

2001 йилда Қорақалпоғистоннинг ялпи маҳсулоти 40520,6 млн сўмни ташкил қилган бўлса, шундан Нукус шаҳри 10824,4 млн. сўм саноат маҳсулоти ишлаб чиқарди. Нукус шаҳрида 3169 та юридик шахс – корхона, муассаса ва б. рўйхатга олинган. 2003 йилда «Уздунробита», «Платтас», «Марказий Осие рангли тошлар компанияси», «Осие-вит», «Лотус», «Судочье», «Карт», «Кокут интернационал», «Шарқ-текс», «Арал артемия компани», «Нукус морэй сервис», «Росэнерго» каби қўшма корхоналар фаолият кўрсатди. Нукус бўйича барча молиялаштирилган манбалар бўйича сарфланган капитал маблағлар 5995 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, шундан чет эл инвестицияси 2071,4 млн. сўмдир.

Бугунги кунда шахсий тураржой қурилиши йилига 23,7 минг кв.м.ни ташкил қилади. Нукус шаҳри аҳолисининг тураржой билан таъминланиши жон бошига 13,4 кв.м. дан иборат, у республикада ёмон кўрсаткич эмас.

Агар республикада пуллик хизмат кўрсатиш жон бошига 6114,9 сўмни ташкил қилса, унинг энг юқори даражаси Нукус шаҳрига тўғри келади, яъни жон бошига 16925,7 сўмдир. Маиший хизмат ҳам республикада жон бошига 474,4 сўм бўлгани ҳолда, у Нукусда 1443,5 сўмдир.

1997 йили «Педрини» (Италия) фирмаси билан ҳамкорликда мармар плиталар ишлаб чиқарадиган завод ишга туширилди. У йилига 60 минг кв.м. плита ишлаб чиқаради. Пойтахтнинг шарқий томонида Болгариядан

келтирилган ускуналар билан жиҳозланган ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган кичик завод ишга тушди, унинг бир йиллик маҳсулоти 120 минг литр. Бундан ташқари Жаҳон банки маблағи ҳисобидан «Қизкетген» поселкаси аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлайдиган иншоат ишга қўшилди.

Ишлаб чиқаришда чет эл капитали ҳиссаси бирмунча ошди: 2005 йилда рўйхатга олинган 48 та қўшма корхоналардан 17 таси Нукус шаҳрида. Улар 2005 йилнинг 9 ойи мобайнида 6,4 млрд.сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарди. Улар экспортбоп материаллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган (4,4 млн. АҚШ доллари) бўлса, шу давр мобайнида импорт бўйича атиги 1,3 млн. АҚШ доллари ҳисобида (улар ҳам технология) товар олиб кирилган.

Шаҳар иқтисодиётида шундай силжишлар бўлишига қарамасдан қатор муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, бозор иқтисодиёти тамойиллари шахсий мулк билан давлат мулки ўртасидаги алоқаларга жорий қилинмаган. Масалан, 2005 йилда 10 та корхона 1229 млн.сўм инвестиция киритиш шarti билан инвесторларга берилди. Буларга 13, 19-сонли авторкорхоналар, «Нукуссут» АЖ киради, «Ыссылық орайы» АЖ, «Сельхозхимия», Марказий автотранспорт, «Полиграфтабийнат», ОДСП-1 промбазаси каби корхоналар акциялари сотувга қўйилди.

Мустақилик йилларида Нукус илғор фан ва маориф марказига айланди. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимидан ташқари тармоқлар ИТИлари, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус давлат педагогика институти, Тошкент педиатрия медицина институтининг Нукус филиали, Тошкент аграр университетининг Нукус филиаллари мавжуд. 2003 йил республика олий ўқув юртлари талабалари сони 14,4 мингга ташкил қилди. Бу рақам Тошкент инфорацион технология университети, Тошкент технология институти Нукус филиалларининг очилиши муносабати билан 15348 та талабага етди. 2006 йилдан кейинги йилларда бу рақам 16 мингга кўтарилди.

Ҳозир Қорақалпоғистон пойтахтида тарихчилар, файласуфлар, тилшунослар, адабиётшунослар, санъатшунослар, фольклоршунослар, медиклар, иқтисодиётчилар, аграрчилар, физиклар ва химикларнинг илмий мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Республиканинг ҳар хил ИТИларида 60 та фан докторлари ва 500 та фан номзодлари ишлашмоқда. Бу эса Қорақалпоғистонда, хусусан, пойтахтда фан соҳасида катта илмий имкониятлар мавжудлигидан дарак беради.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш ва таълим соҳасига катта эътибор билан қаралмоқда. Ўзбекистон Республикасида «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши умумтаълим мактаблари тизимининг, лицей ва коллежлар тармоғининг ривожланиши учун катта имкониятлар яратди. Масалан, 1991 йили Нукус шаҳрида 30 та умумтаълим мактаблари бўлган бўлса 1998 йили уларнинг сони 43 тага етди, 45 та болалар боғчалари, 8 та мактабдан ташқари муассасалар ишлаб турибди. 2005 йилга келиб мактаблар сони 44 тага етиб, уларда 4528 та ўқитувчи фаолият кўрсатади ва 41835 та ўқувчи ўқийди. Шунингдек, унда 1393 ўқувчи ўқийдиган 5 та мактаб-интернат, 51 та мактабгача, 12 та мактабдан ташқари муассасалар, 1 та

болалар спорти мактаби, 3 та ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари мавжуд. Фақат 1998 йилда уларнинг фаолият кўрсатиши учун 614 млн. 812 минг сўм харажат ажратилган. Уларнинг моддий техника базасини зарурий стандартлар даражасида ушлаб туришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу кунга келиб Нукус мактабларида 5,5 минг ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда, улардан 2 таси Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, 4 таси Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийларидирлар.

Нукусда 22 та академик лицей ва касбий-ҳўнар коллежлари мавжуд бўлиб, уларнинг кўплари охириги йилларда ташкил қилинган. Уларда 4 мингта бола ўқийди, 450 тадан кўпроқ ўқитувчи-мураббийлар ишлайди.

Умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус ўқув юртлари тизимининг режали ривожлантирилиши ҳозирги кунгача давом эттирилмоқда. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ фақат 2005 йилнинг 9 ойида Нукус шаҳрида шу йил режаси ҳисобидан 600 ўринга мўлжалланган қурилиш коллежи ва ётоқхона қурилиб ишга топширилди, Олимпия заҳиралари коллежининг иккинчи навбати, қишлоқ хўжалик, маданият ва спорт коллежлари, академик лицей қуриб битказилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мактаб таълимини 2004-2009 йилларда ривожлантиришнинг умумдавлат миллий дастурини ишга ошириш чоратадбирлари» ҳақидаги қарори муваффақиятли бажарилмоқда. Масалан, 2005 йилда 630 ўринга мўлжалланган мактаб қурилиши бошланди, 3 та мактабда қайта ва яна 3 тасида капитал таъмирлаш ишлари ўтказилди. Умуман, шу йили 5686 та ўқувчи ўрнига эга бўлган умумтаълим мактаблари, 2340 та ўринга эга бўлган касб-ҳўнар коллежлари, академик лицейлар ишга қўшилди. Нукусда 18 та ўрта махсус ўқув юртлари, 5 та академик лицей жойлашган бўлиб, уларда 432 та ўқитувчи ишламоқда, 3056 та ўқувчи таълим олмақда.

Яна бир нарса аҳамиятлики, Нукус шаҳри - ёшлар шаҳридир. Масалан, 261,2 минг кишидан иборат бўлган Нукус шаҳри аҳолисининг (2005 йил охирига кўра) 89433 таси 16 ёшгача бўлган ёшлардир. Президентимиз И.А.Каримовнинг айтганидек «ҳозир шаҳар аҳолисининг 65% 25 ёшгача бўлган ёшлардир». Шаҳарнинг ишга яроқли аҳолиси 156377 кишини ташкил қилади, яъни барча аҳолининг 60% ни ташкил қилиб, бу Нукуснинг яна ҳам ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун барча имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

Шаҳарнинг ижтимоий-маданий ривожланишида 1996 йил 15 июнда ишга туширилган теннис кортининг аҳамияти катта бўлди. Шунингдек, болалар спорт саройи, 9-сонли мактабда болалар спорти мажмуаси қурилди. Яқинда Нукус шаҳрида бир вақтнинг ўзида спортнинг 15 та тури бўйича 500 та йигит ва қизлар шуғуллана оладиган оригинал, замонавий спорт қурилиши бошланди. Энди енгил атлетикачилар йил давомида спорт билан шуғулланиши мумкин. Қорақалпоғистон пойтахтининг 70 йиллиги тантаналарига атаб республика спорт саройи, «Амударё» сузиш бассейни, аквапарк қурилди, «Туран» стадиони қайта қурилди, 600 кишига мўлжалланган ёпиқ теннис корти қурилиши бошланди.

Нукус шаҳри агломерацияси муаммолари

1991 йилгача ва 1990-йиллар ўрталаригача Нукус шаҳри аҳолиси табиий ўсиш ва миграция жараёнлари ҳисобига кўпайди. Бу икки омил шаҳар чегарасининг кенгайишига олиб келди. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, бошқа ҳудудларга нисбатан, Қорақалпоғистондаги оилаларнинг кўпчилиги кўпсонлидир. Масалан, Ўзбекистонда 1979-1989 йиллар давомида ҳар бир оилада ўртача 5,5 киши бўлган бўлса, бу кўрсаткич Қорақалпоғистон шаҳарларида 6,6, қишлоқ жойларида 7,1 кишига тўғри келади.

Аҳолининг пойтахтда кўп тўпланиши шаҳар агломерациясининг тез ривожланишига, мураккаб ва ҳар хил алоқалар билан бирлашган шаҳарга яқин аҳоли пунктлари – «Қизкеткен», «Саманбай», «Саранча», «Ўрақ-балға», «Пристань», «Қосқўл» ва б.нинг шаҳарга қўшиб олинишига сабабчи бўлди. Шаҳар агломерациясининг шаклланиши ҳозирги даврда мисли кўрилмаган кўлам касб этдики, бу ҳозирги давр урбанизациясининг характерли хусусиятидир. Пойтахтнинг ғарбий чегараси – Хўжайли, Тахиатошга, шарқий чегараси – Халқободга етди. Пойтахт аҳолиси сони (2004 й. 1 январигача 258,7 минг киши) нафақат миграция ва халқнинг табиий ўсиши эвазига, балки учинчи омил – халқнинг мустақил равишда шаҳарга яқин ҳудудларга кўчиб келиши сабабли ҳам ўсди ва натижада бу аҳолиси зич жойлашган шаҳар типигадаги посёлкаларнинг таркиб топишига олиб келди. «Қосқўл-1», «Қосқўл-2», «Қосқўл-3», «Қум-аул», «Май-колхоз» кабилар шу тариқа пайдо бўлди ва улар шаҳар таркибига қўшиб олинди.

Кўпгина ташкилотлар фақат қоғоздагина мавжуд эди. Масалан, 1995 йил 4 апрелдаги Нукус шаҳри ҳокими қарори билан «бир йилдан кўп вақт давомида ишламаган ёки кўп муддатда (6 ой) тўлашга қодир бўлмаган» деган сабаб билан 1991-1994 йилларда тузилган 107 та кўп тармоқли шахсий корхоналар бартараф қилинди. Аммо пойтахтнинг миллий бойлиги аҳоли миқдори билан эмас, балки унинг турмуш даражаси билан ўлчанади. Бу даврга келиб пойтахтнинг ишга яроқли аҳолиси 131,4 минг кишини ташкил қилса, унинг 979 нафари расмий равишда ишсиз ҳисобланарди. Энг муҳим вазифа шаҳар аҳолиси турмуш даражасини кўтариш муаммоси эди.

Бу даврга келиб республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва бу соҳадаги ислоҳатларни тезлаштириш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқилди, истикболли таклифлар илгари сурилди. Шулардан бири «Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги 1993-2000 йилларга мўлжалланган ва 2005 йилгача бўлган даврдаги ривожланиши йўналишларининг асосий концепциялари» бўлиб у бир ёқлама – хомош ётказиб беришга йўналтирилган ишлаб чиқаришни бартараф қилиш ва маҳаллий минерал-хомашё базалари асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган муассасаларни юзага келтириш бўйича амалий дастур вазифасини ўтади. Бунда 51 та саноат объекти, шулардан биринчи навбатда Нукус, Бўстон ва Чимбой шаҳарларида тўқимачилик мажмуалари қурилиши режалаштирилган, бу ерларда катта хомашё ва ишчи кучи захираларига эга бўлинишига қарамасдан уни тўла ўзлаштириш учун давлат етарли молиявий

имкониятларга эга эмас эди. Бундай ҳолатни фақат чет эл инвестициялари, ҳамкорлари орқали ва улар билан ўзаро фойдали шартномалар тузиш, маҳаллий хомашё ресурслари асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналар ташкил қилиш орқалигина тузатиш мумкин эди.

Нукус шаҳри ҳокимияти маъмурий бошқарув иши бўйича маълум ишларни амалга оширди. Фақат 1996 йилнинг ўзида 4 та шаҳар халқ депутатлари уюшмасининг сессиялари, 14 та шаҳар ҳокимияти мажлислари бўлиб ўтди ва унда 1927 та қарор қабул қилинди. Шаҳар бошқаруви маъмуриятининг иши бу билан чекланиб қолмади. Масалан, ҳужжатлар материалларини ўрганиш шуни кўрсатадики, шаҳар аҳолиси ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўзлари ҳокимиятга мурожаат қила бошладилар. Жумладан, бунда ечилиши энг зарур деб топилган масалалар: турар жой, аҳоли шароитларини яхшилаш, турар жой билан таъминлаш, мулкларни хусусийлаштириш, кичик корхоналар очиш, қурилиш учун қарзлар бериш, ижтимоий ҳимоялаш кабилар эди. Натижада 1996 йили 371000 кв.м. турар-жой фойдаланишга топширилди, шундан 32746 кв.м. шаҳар аҳолиси ҳисобидан, фақат 4351 кв.м. корхоналар ва муассасалар ҳисобидан қурилди.

Шу даврда шаҳар маъмурияти олдида турган масалалар ва уларнинг ҳаракатлари мамлакатдаги ижтимоий шароитга боғлиқ эди. Бу даврга келиб Ш.Раҳматуллаев фикрича, марказлашган мустабид режалаштириш ва тақсимот тизими барбод бўлган, хўжалик юритишнинг маъмурий буйруқбозлик методлари барҳам топиб, бозор инфратузилмаси шаклланаётган давр эди.

Қорақалпоғистон шаҳарлари тизимида Нукус шаҳрининг нуфузи аниқ кўзга ташланади. У Нукусдан кейин иккинчи ўринда турувчи Хўжайлидан аҳолисининг 3 марта, Тахиатош, Тўрткўл, Бегунийдан 4 марта, Қўнғирот, Чимбой, Манғитдан 7 марта кўплиги билан ажралиб туради. Аммо бу Қорақалпоғистон пойтахтининг катта қадамлар билан ўсганлигини эмас, балки Оролбўйи ҳудудида ўртача ҳажмдаги шаҳарларнинг (аҳолиси 100 минг атрофидаги) йўқлигини ёки унга тенглаша олмаётганини кўрсатади.

«Экософия» нинг фалсафанинг муайян, жуда ўзига хос қисми сифатида шаклланиши бир қатор босқичларни босиб ўтди:

XX асрнинг 50-йиллари: экологияда аҳвол яхши эмаслигини қайд этиш; 60-йиллар: назарий идрок этиш учун дастлабки уринишлар; 70-йиллар: ижтимоий ҳаракатларнинг амалий фаолиятларининг бошланиши; 90-йиллар: глобал экологик тафаккурнинг шаклланиши.

«Экософия» нинг ривожланишига А. Печей, Г. Коммонер, А. Кинг, Л. Браун, Д. Медоуз, Г. Канн, Ж. Форрестер ва бошқалар ҳисса қўшдилар. Маълумотларга қараганда Оролнинг қурилиши (унинг сатҳи 3 метрга пасайди, Яна 9-13 метрга пасайиши ва шўрланишининг 10 марта ортиш кутилмоқда), шу фикрдан келиб чиққан ҳолда Нукус шаҳри мустақиллик йилларида иқтисодий, ижтимоий-маданий, экологик муаммолар ҳал қилинадиган асосий марказга айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Орол

инқирозини ечишда Қорақалпоғистон пойтахтининг етакчи роли борлигини кўрсатди.

1995 йил 18-20 сентябрь оралиғида Нукус шаҳрида Оролбўйи давлатларини мунтазам ривожлантириш тўғрисида БМТнинг халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Ўрта Осиё давлатлари ва Қозоғистон Президентлари учрашуви натижасида «Орол денгизи бассейнидаги давлатларнинг доимий ривожланиши муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Нукус Декларация»си имзоланди. 1997 йилда Оролни кутқариш халқаро жамғармасининг ижроия комитети тузилди. Шундан эътиборан бу жамғарманинг Нукус филиали самарали фаолият кўрсатмоқда. 2000-2001 йиллар давомида 2004 минг АҚШ доллари ҳажмида «Нукус шаҳрида плазма ишлаб чиқаришни ташкил қилиш» мавзусида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. 2001 йилда Нукусда стоматологик марказ қурилди ва бунинг учун 350 минг АҚШ доллари сарфланди. 243 кмлик «Туямўйин-Нукус» ва 112 кмлик «Нукус-Тахтакўпир» водопровод трассалари қурилди. Оролбўйи «Оналик ва болалик» скрининг маркази, акушерлик ва гинекология ИТИ – Нукус филиали, Нукус шаҳри ва туманлар тиббий ёрдам илмий марказининг филиаллари очилди. Маҳаллий халқ учун катта қулайлик туғдирган Амударё устига қурилган Нукус-Хўжайли кўпригини алоҳида айтиш зарур. «Нукус-Султон Вайс-Мискин-Учқудук» темир йўли йилига 25 минг доллар тежашга имкон беради. Нукус темир йўл вокзали бутунлай қайта қурилди.

Мустақиллик қўлга киритилгач, Нукус шаҳрида экологик муаммолар ва атроф-муҳит муҳофазаси билан шуғулланувчи қатор ИТИлари ташкил қилинди. Экологик тадқиқотларни ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимида Биоэкология институти ташкил қилинди.

Лекин шуларга қарамасдан пойтахтнинг ечилиши зарур бўлган долзарб муаммолари ҳам мавжуд. Маълумки, шаҳар агломерациясини шакллантирувчи асосий куч унинг иқтисодий омилларидир. Пойтахт ташкилотлари фақат номларинигина ўзгартирди, холос, уларнинг ишлаш усул ва методлари илгаригича қолди. Бозор муносабатларига ўтиш, кўп тармоқли иқтисодиёт, ташки мамлакатлар фирмалари билан қўшма корхоналар қуриш, шу асосда баъзи кутб ва марказларнинг юзага келиши, булар Ўзбекистонда урбанизация жараёни стратегияси равақини таъминлайди. Шу сабабли ҳам Нукус шаҳри ривожланиши стратегиясини овул ва қишлоқлар тузилишига замонавий ёндошиш позициясидан келиб чиқиб муносабатда бўлиш, ўзаро фойдали ҳамкорлик асосида унинг ижтимоий ривожланишини тезлаштириш зарур. Бундан ташқари, ҳозирги давр шароити ҳам идеал шаклга эга эмас: овул ва қишлоқ ишчи кучини сиғдира олмайди, Нукус эса уни қабул қилишга тайёр эмас. Ишчиларни иш билан таъминловчи корхоналарнинг кўпайиши билан бир қаторда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари ривожини ҳам катта аҳамиятга эга. Ривожланган мамлакатларда аҳолининг 60-70% и ушбу соҳаларда хизмат қилади. Пойтахтда эса бу кўрсаткич 10-15% ни ташкил қилади.

Бизнинг маълумотларимизга кўра, 2005 йилга келиб Нукус шаҳри 602 та кўчага, кўп қаватли уйларга, хизмат кўрсатиш объектлари бўлган 8 та кичик туманга эга. Шунинг 1551905 кв.м.млн. майдони турар-жой объектлари билан банд. Умум ер майдонининг 2217895 кв. к.м. ери бир қаватли, 187291 кв.м. икки ёки ундан ортиқ қаватли иморатлар билан банд. Нукус шаҳрида 25513 та хусусий уйлар, 14679 та квартиралар мавжуд.

Умуман, шу кунда Нукус шаҳри 212 кв.км майдонига 261,7 минг аҳолисига эга бўлган, Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбида жойлашган катта марказдир. Унинг миллий таркибини 122,4 минг кишини (46,8% ни) қорақалпоқлар, 32,4 мингини (12,4%ни) ўзбеклар, 57,8 мингини (22,1% ини) қозоқлар, 17,5 мингини (6,7%ни) руслар, 31,4 мингини бошқа миллатлар вакиллари ташкил қилади.

Юқоридагилардан кўринадики, Қорақалпоғистонда шаҳар қурилиши ва шаҳар юзага келиши ўзининг порлоқ келажагига эга. Масадан, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш учун хизмат қиладиган корхоналар сони 10 та. Шундан 2 таси акционерлик жамиятлари, 8 таси ижтимоий-ижара корхоналаридир. Бундан ташқари махсус қурилиш корхонаси ҳам мавжуд. 2006 йил охирига бориб Нукус шаҳрида ҳар бир кишига 13,9 кв.м. турар жой майдони тўғри келди. Мазкур йилда 63,3 минг кв.м. тураржой фойдаланишга берилди.

Қорақалпоғистон Республикасида шаҳар қурилиши тараққиётининг келажаги саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ деб ҳисоблайди. Бунга ҳозирги мавжуд корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш (қайта тиклаш), қайта жиҳозлаш ва саноатнинг янги тармоқларини ҳосил қилиш, илмий-техник тараққиётни таъминловчи: машинасозлик, радиоэлектроника, электротехника, тоғ-кон, металлургия ва химия саноати, қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари саноати, маҳаллий хомашё базасида цемент ишлаб чиқарадиган корхоналар тузиш, асобоцемент трубалар, безаш ва изоляция материаллари, керамика ва сантехника буюмлари, юқори сифатли шебен, шунингдек, прогрессив қурилиш материалларидан (полиэтилен, дренаж трубалари) қурилиш буюмлари ва конструкциялар ишлаб чиқариш, саноат жиҳозлари, йўл қурилиши ва қишлоқ хўжалиги машина ва механизмларини таъмирлаш ва хизмат қилиш муассасалари қувватларини ошириш орқалигина эришиш мумкин.

ХУЛОСА

Нукус шаҳрининг иқтисодиёт, маданият ва фан маркази сифатида шаклланиши кўпинча давлат бошқаруви тизимига боғлиқ эди. Ўзбекистон Республикасининг ўз мустақиллигига эришиши эса Нукус шаҳри ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлди.

Нукус шаҳри ҳақиқатан ҳам Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий-маданий ва асосий муассасалари ифратузилмалари жойлашган илмий-маданий марказга айланди.

Мустақиллик йилларида Нукус шаҳри ўзининг маданий қурилиши даражасига кўра экологик муаммоларга диққатни жалб қилувчи марказ сифатида анча ўсди.

Оролбўйи региони маркази сифатида Нукус шаҳрининг келажакдаги ривожланиши ва қурилишларига оид тавсияларини ўртага ташлашга ҳуқуқ беради. Хусусан, улар:

Нукус Ўзбекистон иқтисодиёти инфратузилмасида энг муҳим стратегик марказ сифатида ўзининг транспорт тизимини (автомобил, темир йўл) кенгайтириши ва умуммиллий транспорт тизимини ривожлантириш давлат дастури контекстида унинг муносиб моддий-техника базасига айланиши мумкин. Бу эса унинг ривожланишининг узоқ муддатли дастурини тузиш имконини беради;

шаҳар ичи ва чеккасидаги ижтимоий-маданий объектлар қурилишини, шаҳар чеккасидаги жойларда ишчи ўринлари яратиш имкониятларини, хусусан, хизмат қилиш ва сервис, транспорт, кичик бизнес ва хусусий ишбилармонлик соҳаларини қайтадан қараб чиқиш зарур;

шаҳарни ва поселка марказларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш умумдавлат дастурини ишлаб чиқиш, шаҳар атрофида фуқароларнинг дам олиш зоналарини ташкил қилиш ва режалаштириш зарур;

Ўзбекистон Республикаси экологик хавфсизлик Концепциясини эътиборга олган ҳолда шаҳар чеккасида ишлаб чиқариш корхоналари жойлаштирилишини қайта кўриб чиқиш зарур;

ҳозирги даврда умумжаҳон шаҳар тизими ривожланиши амалиётини ҳисобга олган ҳолда шаҳар янги инфратузилмаси, транспорт савдо йўналишлари, шаҳар тураржой комплекси дастурларини янгидан ишлаб чиқиш зарур.

Шундай қилиб Нукус шаҳрининг мустақиллик йилларидаги мустақил таракқиёти давомида тўпланган тажриба, фалсафий талқин ва умумлаштириш учун катта имконият беради.

Адабиётлар

1. Выступление Президента Ислама Каримова на торжественной церемонии, посвященной 70-летию города Нукуса // Вести Каракалпакстана. – Нукус, 13.09.2003.
2. Каримов И.А. Мирная жизнь и безопасность страны зависят от единства и твердой воли нашего народа. Т.12. – Т., 2004. – С.8.
3. Президенти Ислам Каримовтың Нөкис қаласының 60-жыллығына арналған салтанатлы жыйналыста сөйлеген сөзи // Еркін Қаракалпакстан, 1992, 24-декабр.
4. Каримов И. А. Узбекистан: свой путь обновления и прогресса. - Ташкент: Узбекистан, 1992. -15 с.
5. XXI шақырық халық депутатлары Нөкис қалалық кеңесинин XXI сессиясы // Нөкис ҳақыйқаты. - Нөкис, 23.11.1994.
6. Аликулов М. История развития социалистического Термеза (1946-1975 гг.): Автореф. дис.... канд. ист. наук. –Ташкент, 1979.
7. Алимова Д.А., Филанович М.И. Тошкент тарихи (қадимги даврлардан бугунги кунгача). –Тошкент, 2007. -168 б.
8. Архив ЖК РК. Ф.35. Оп. 1. Д. 33. Л. 282.
9. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. -Ташкент: Университет, 2002. -56 с.
10. Гаибназарова Э. История города Гулистана в 60-70-е годы.: Автореф. дис.... канд. ист. наук. –Ташкент, 1989.
11. Ещанов Т. Б. Наука Каракалпакстана в новом тысячелетии// Вести Каракалпакстана, 2001, 21 января
12. Жураев М. Древняя Бухара в условиях независимости // Общественные науки в Узбекистана. 1997. -№9-10-11. –Б.9-15.
13. Каршаев Р. Экономическое и социально-культурное развитие города Навои: опыт и проблема.: Автореф. дис.... канд. ист. наук. –Ташкент, 1996.
14. Каюмова Т. Ташкент в период завершения строительства социализма в СССР (1951-1958 гг.): Автореф. дис.... канд. ист. наук. –Ташкент, 1967.
15. Қолға қол уласып, прогресс жолы менен. Өзбекстан Республикасының Президенти Ислам Каримовтың Нөкис қаласының 60-жыллығына арналған салтанатлы жыйналыста сөйлеген сөзи // Еркін Қаракалпакстан, 1992, 24-декабрь.
16. Нөкис қаласы ҳәкими Ш.Уснатдиновтың Ведомствалық аймақта социал-экономикалық раўажландырыўға басшылық етиў бойынша есабы // Нөкис ҳақыйқаты. -Нөкис, 12.12.1992.
17. Нөкис ҳақыйқаты, 2005, 17 ноябрь
18. Нуржанов С. К вопросу формирования советской политической системы в Каракалпакстане.// Вестник ККО АН РУз, 2000. -№1. -75 б.

19. Нурмухамедов Х. История развития социалистического города Андижана (1917-конец 50-х годов): Автореф. дис.... канд. ист. наук. – Ташкент, 1981.
20. Пайтахт санааты // Нөкис ҳақыйқаты, 2005, 17 ноябрь.
21. Пригожин И. От существующего к возникающему: время и сложность и физических науках. –М., 1985. Б.119.
22. Рахимов М. История основания и развития социалистического города Бекабада (1942-1965 гг.): Автореф. дис.... канд. ист. наук. –Ташкент, 1968.
23. Рахманов К. История развития социалистического города Хива (1920-1970 гг.): Автореф. дис.... канд. ист. наук. –Ташкент, 1972.
24. Рахматуллаев Ш. Социально-экономические преобразования в городах Ферганской долины в условиях независимости (1991-1996 гг.): Автореф. дис.... канд. ист. наук. –Ташкент, 2000.
25. Рахматуллаев Ш. Социально-экономические преобразования в городах Ферганской долины в условиях независимости (1991-1996 гг.): Автореф. дис... канд. ист. наук. –Ташкент, 2000. -15 б.
26. Справка об итогах социально-экономического развития и ходе экономических реформ в Республике Каракалпакстан за первое полугодие 2003 года. Нукус, 2003. С. 7.
27. Текущий архив Управления среднего и среднеспециального образования Республики Каракалпакстан за 2005 год.
28. Текущий архив хакимията г. Нукуса за 1994 год // Нөкис ҳақыйқаты. – Нукус, 8.09.1994.
29. Текущий архив хакимията г. Нукуса за 1995 г., приказ.№72/4.
30. Текущий архив хакимията г. Нукуса за 1996 г.
31. Текущий архив хакимията г. Нукуса за 1997 г., X сессия 1 созыва Нукусского городского Совета народных депутатов 1 созыва 27 марта 1997 года.
32. Текущий архив хакимията г. Нукуса за 1998 г. XIV сессия 1 Созыва Нукусского городского Совета народных депутатов; Текущий архив хакимията г. Нукуса за 1998 г.
33. Текущий архив хакимията г. Нукуса за 1999 год.
34. Текущий архив хакимията г. Нукуса за 2004 год.
35. Текущий архив хакимията г. Нукуса за 2005 год.
36. Турсунов Ж. История экономического и социального развития города Узбекистана (на примере городов Байсун, Шаргун и Шурчи): Автореф. дис.... канд. ист. наук. –Самарканд, 1995 ва ҳ.
37. Турсунов С. История развития новых социалистических городов Узбекистана – Денау и Шахрисабза.: Автореф. дис.... канд. ист. наук. – Ташкент, 1985 ва ҳ.
38. Уснатдинов Ш. Экономикалық реформаларды иске асырыў - ғәрезсизликтиң тийкары // Нөкис ҳақыйқаты. - Нөкис, 8.09.1994.
39. ЦГА РК, Ф.322. Оп.1. Д. 8, 66. Л. 1.